# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 140 (8.875) ◆ 1996 йил ◆ 25 ноябрь, душанба ◆ Сотувда эркин нархда


*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарори*

## Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши **қарор қилади:**

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси 1996 йил 26 декабрь куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси

*Э. ХАЛИЛОВ.*

Тошкент шаҳри,
1996 йил 22 ноябрь.

**Олий Мажлис еттинчи сессиясининг муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш мўлжалланмоқда:**

1. Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 1997 йилги истиқбол кўрсаткичлари лойиҳаси тўғрисида.
2. Адвокатура тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда киритилмоқда).
3. Нотариат тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда киритилмоқда).
4. Сиёсий партиялар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда киритилмоқда).
5. Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда киритилмоқда).
6. Журналистнинг касбига доир фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда киритилмоқда).
7. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсмен) тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда киритилмоқда).
8. Давлат хизмати тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда киритилмоқда).
9. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси лойиҳаси тўғрисида (биринчи ўқишда киритилмоқда).
10. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси лойиҳаси тўғрисида (биринчи ўқишда киритилмоқда).
11. Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.
12. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.
13. Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.

Депутатлар муҳокамасига ана шу масалалар билан бир қаторда Олий Мажлиснинг ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳам ҳавола этиш мўлжалланмоқда.

*Мустақиллик мевалари*

## МАРКАЗНИНГ САМАРАЛИ ФАОЛИЯТИ

Кейинги пайтларда Миср ва Ўзбекистон давлатлари ўртасида кўпгина соҳаларда ўзаро истиқболли ҳамкорлик алоқалари жадал ривожланиб бормоқда. Бунда айниқса Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси қошида фаолият кўрсатаётган Миср фан ва таълим марказининг ҳиссаси каттадир. Ушбу марказ ёрдамида ҳар йили кўплаб ўзбекистонлик иқтидорли талабалар Мисрдаги машҳур Ал-Азҳар университети ва бошқа олий ўқув юртларида таълим олмоқдалар, турли мавзуларда илмий кенгашлар, семинарлар ўтказиб келинмоқда.

Куни кеча Миср фан ва таълим марказида ушбу марказнинг ташкил этилганлигига икки йил тўлиши муносабати билан тантанали кеча бўлиб ўтди. Шу муносабат билан Марказий Осиёнинг гавҳари ҳисобланмиш Хива шаҳрининг 2000 йиллигига бағишланган кўргазманинг ҳам очилиш маросими бўлди.

Тадбирда сўзга чиққан Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги муваққат ишлар вакили Абдулғани Муҳаммад Абдулғани, Миср фан ва таълим маркази директори доктор Одил Шиха, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг раиси, муфтий Мухторхон ҳожи Абдуллаев, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари Қаҳрамон Аллаев ва бошқалар марказнинг маданий ва маърифий ишларни амалга ошириш, ёшларимизга араб тилини ўргатиш, қолаверса икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкам боғлаш борасидаги ролини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Сўнг тадбирга йиғилганлар кўргазмага қўйилган Қоҳира этюдлари, кўчалари, Хива манзаралари, миллий урф-одатларимиз акс этган 50 га яқин тасвирий санъат намуналари, Мисрда чоп этилган шу мамлакат ҳаётидан ҳикоя қилувчи қизиқарли газета ва журналлар билан танишдилар.

Болалар хайрия фондининг ёш раққосалари ижросидаги шарқ халқларининг жозибали, мафтункор рақслари тадбирга алоҳида файз киритиб, йиғилганларга хуш кайфият бахш этди.

*Даврон НУРМАТОВ.*

# ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

○ ЯНГИЛИКЛАР ○ ВОҚЕАЛАР ○ ХАБАРЛАР ○ ЯНГИЛИКЛАР ○ ВОҚЕАЛАР ○ ХАБАРЛАР ○

## ТУМАНДА ЭНГ НАМУНАЛИ

Собир Раҳимов тумани пойтахт бўйича энг кўп маҳаллалар жойлашган гўшадир. Бу ерда «Энг намунали хотин-қизлар қўмиталари иши» кўрик-танлови жуда қизиқарли ва сермазмун ўтди. Туманда жами 84 та маҳалла мавжуд бўлса, улардан 60 тадан ортиғи кўрик-танловга жалб этилди. Танлов низомига кўра маҳаллаларда болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ишлари қай даражада эканлиги, қўйдичиқдиларни камайтириш мақсадида амалга оширилаётган юмушлар, балоғат ёшига етаётган қизлар ва ўсмирлар билан олиб борилаётган ишлар, хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадидаги тадбирлар, хуллас кўпгина соҳалар фаолияти яхшилаб ўрганилиб, тегишли хулосалар чиқарилди.

Ниҳоят туман ҳакамлар ҳайъатининг ҳисоб-китобларидан сўнг Беруний маҳалласи хотин-қизлар қўмитасининг иши энг намунали деб топилиб, кўрик-танловнинг ғолиби номини олди. Иккинчи ўрин А. Набиев, учинчи ўрин эса А. Темур маҳаллаларига насиб этди.

Беруний маҳалласи шаҳар миқёсидаги кўрик-танловда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

*Мурод ИСАЕВ.*

## «СЛОВАКОФИРМА» ФАОЛИЯТ БОШЛАМОҚДА

Шаҳримизда Словакиянинг дори-дармонлар ишлаб чиқарадиган «Словакофирма» акционерлик жамияти фаолияти билан таништириш маросими бўлди. Зеро ушбу корхона яқин кунларда республикамизда иш бошлаш арафасида.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлигининг қабуллар уйида шу маросим доирасида журналистлар билан ҳам учрашув бўлиб ўтди. Унда Словакия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ходимлари иштирок этди. «Словакофирма» акционерлик жамиятининг раҳбарлари ва мутахассислари, Словакия билан Ўзбекистон фармацевтлари ўзаро фойдали ҳамкорлигининг имкониятлари тўғрисида келишиб олдилар.

*Озод ҲАМИДОВ.*

## БУГУНГИ КУН НАФАСИ

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармони билан Маркс Жуманиёзов Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири этиб тайинланди.
- Олий Мажлис Кенгаши демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялашга оид ҳуқуқий нормаларга риоя этилиши устидан назорат қилинишини таъминлаш мақсадида Олий Мажлис ҳузурида Амалдаги қонунчилик мониторинги институтини ташкил этишга қарор қилди.
- Тошкентдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонаси мажлислар залида таълим ва тил ўрганиш бўйича Америка ҳамкорлик ташкилоти — АКСЕЛС «Оммавий ахборот воситаларида воқеликнинг акс этиши ва унинг Марказий Осиёда миллийлик ҳамда миллий маданиятга таъсири» мавзуида халқаро анжуман ўтказди.

### ҲАМДЎСТЛИКДА

- Москва яқинидаги «Барвиха» санаторийсида Россия ва Қозоғистон президентлари Борис Ельцин ва Нурсултон Назарбоев ўзаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини муҳокама этдилар.
- Москвада Россия Бош вазири Виктор Черномирдин билан Чеченистон ҳукуматининг раҳбари Аслан Масхадов Чеченистонда 1997 йил 27 январда бўлиб ўтадиган президент ва парламент сайловларигача ўзаро муносабатлар тамойиллари тўғрисидаги шартномани имзоладилар.
- Минскда Россия раҳбарияти воситачилигида Белоруссия парламенти билан Президент ўртасида муайян муросага келиш тўғрисидаги аҳдлашув мамлакат Олий Кенгаши томонидан тасдиқланмади. Шу муносабат билан Президент Александр Лукашенко 24 ноябрда бўлиб ўтган Конституция янги лойиҳаси тўғрисидаги референдум натижаларини ўша аҳдлашувда кўзда тутилганидек маслаҳат характерида эмас, балки мажбурий бўлишини айтди. Ўз навбатида парламент 26 ноябрда яна Президентни лавозимидан четлаштириш масаласига қайтишини билдирди.
- Россия Хавфсизлик кенгашининг собиқ котиби генерал Александр Лебедь АҚШга хусусий ташрифи давомида Вашингтонда амалий доираларга таянадиган ўз партиясини тузиш ниятида эканлигини айтди.

### ХОРИЖДА

- Испанияда «Тошкент трактор заводи» ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг раиси И. Каримовга «Бизнес, ташаббус» умумжаҳон қўмитасининг юксак сифат учун умумжаҳон мукофоти топширилди.
- Нью-Йоркда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Афғонистон бўйича маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди. Унда 19 давлат, шу жумладан Ўзбекистон вакили ҳам иштирок этди.
- Афғонистон Президенти Бурхониддин Раббоний ҳукумат қўшинлари Қобул остоналарида турганига қарамасдан шаҳарни штурм билан қўлга олиш ниятида эмаслиги тўғрисида Парижда баёнот берди. У БМТ шафелигида «Толибон» ҳаракати билан сулҳ тузишга тайёрлигини ҳам айтди.
- Шарқий Осиё мамлакатлари бўйлаб сафарини давом эттираётган АҚШ Президенти Билл Клинтон Филиппин пойтахти Манилада Хитой Халқ Республикасининг Раиси Цзянь Цземинь билан музокаралар ўтказди. Ҳозир бу ерда 18 давлат раҳбари иштирокида Осиё—Тинч океани ҳамкорлик ташкилотининг олий даражадаги анжумани давом этяпти.
- Уч террорчи томонидан олиб қочилган Эфиопия авиакомпаниясига қарашли самолёт Камор ороллари яқинида ҳалокатга учради. Террорчилар билан музокаралар чўзилиб кетганлиги оқибатида самолётнинг ёнилғиси тугаб, у денгизга қулаб тушди. Ундаги 175 йўловчидан ҳозиргача 52 киши тирик топилди.
- 18 ёшли грек гўзали Эренс Клива илк бор Ҳиндистонда ўтказилган «Жаҳон маликаси—96» ғолиби бўлди.

○ БУГУНГИ КУН НАФАСИ ○ БУГУНГИ КУН НАФАСИ ○ БУГУНГИ КУН НАФАСИ ○ БУГУНГИ КУН НАФАСИ ○ БУГУНГИ КУН НАФАСИ ○

## ТЎҚИМАЧИЛИК СОҲАСИНИ ЮКСАЛТИРИШНИ КЎЗЛАБ

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида «Соссна ГМБХ» (Германия), «Прюфтехник Соссна-Кайсокки» (Германия-Япония) ва «Месдан» (Италия) фирмалари тўқимачилик соҳасида жорий этган замонавий асбоб-ускуналар билан таништириш тақдимот семинари бўлиб ўтди. Ушбу анжуман «Соссна ГМБХ» фирмаси, «Ўзбекенгилсаноат» ассоциацияси ҳамда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳамкорлигида ўтказилиб, унга республикамизнинг тўқимачилик ва ипакчилик корхоналари, илмий-текшириш институтлари, вазирликлар вакиллари таклиф этилди.

Семинарнинг очилишида сўзга чиққан «Соссна ГМБХ» фирмасининг Президенти Дитер Соссна мамлакатимиздаги иқтисодий ва сиёсий барқарорлик хорижий сармояни кенг жалб этиш учун қулай имкониятлар очаётганини таъкидлади. Европа ҳамжамияти таъсис дастурининг ипакчилик лойиҳаси бўйича раҳбари Йенс Бринкстен ўз нутқида юксак технологияларни тезроқ жорий этиш Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар қаторидан жой олишида муҳим аҳамиятга эга эканини уқтирди. Семинар қатнашчилари юқоридаги фирмалар томонидан ишлаб чиқарилган жаҳон андозаларига мос асбоб-ускуналарни кўздан кечирдилар.

*Одил ҲАКИМОВ.*

*Ўзбекистон ва жаҳон*

## САХОВАТПЕШАЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Тошкентда «ЁНГРАГ» халқаро хайрия жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси очилиши муносабати билан тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Маросимда сўзга чиққанлар жамғарма шу йил ёзда ўтказган ногирон болалар чизган расмлар танлови унинг қатнашчилари ва ота-оналар қалбига нур ҳамда қувонч ҳадя этганини таъкидлаб, «ЁНГРАГ» фаоллари ва ҳомийлари — республика ижтимоий-таъминот, халқ таълими вазирликлари, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Ўзбекистон ногиронлар жамияти билан келгусида ўтказиладиган хайрли ишларида муваффақиятлар тиладилар.

Тақдимот маросимида Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ф. Сидорский, Корея Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Со Кон И қатнашди.

*Очил БЕК.*

## АНЪАНАЛАРГА ҲУРМАТ РУҲИДА

*Маънавият — олий қадрият*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиқиб, Акмал Икромов тумани ҳокимлигида туман «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ходимлари ҳамда халқ таълими ходимларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда туманда олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларни янада яхшилаш, миллий тафаккурни ривожлантириш, мустақил Ўзбекистонимиз келажаги бўлмиш ёш авлодни халқимизнинг бой миллий-маданий меросимизга, тарихий анъанамизга, Ватанга садоқат, аждодларимиз қолдирган маънавий хазиналарга чуқур ҳурмат руҳида тарбиялаш муҳим вазифа эканлиги ҳақида тўхталди.

— Ўзликни англай билиш, ўзгаларга танита олиш, миллий тафаккурни юксалтириш маънавият ва маърифат ходимларидан катта масъулиятни талаб этади, — дейди сўзга чиққан таниқли олима Лола Хўжаева. — Бунинг учун эса аввало кутубхоналар ишини такомиллаштириш, керакли қўлланмалар нашр этиш, улар савиясини ва сифатини янада яхшилаш керак.

Республика «Маънавият ва маърифат»жамоатчилик маркази Тошкент шаҳар бўлимининг бош мутахассиси Қобилжон Тошпўлатов ҳозирда диққат-эътиборни ўсиб келаётган ёш авлодга қаратиш, улар тарбиясини аввало оиладан бошлаш, бунда ота-онанинг масъулияти, дунёвий билим ва диний билимнинг уйғунлиги, тафаккурнинг юксаклигига эришиш лозимлиги ҳақида гапирди. 107-мактаб директори Жанна Свердлова ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий бунёдкорлик ишларига, аждодларимиз қолдирган бой маданий меросларга ҳурмат руҳида тарбиялаш бугунги кунда халқ таълимининг долзарб вазифаларидан бири эканлигини уқтириб ўтди, бола тарбияси энг аввало оила муҳити, маданиятнинг барча талабларига жавоб бериши, ота-она ўртасидаги муносабат, ака-ука, опа-сингиллар, дўст-биродарлар ўртасидаги муомала, сўнгра мактаб ва жамоат жойларидаги ўзни тута билиш, ўзни англай билишлик ҳақида гапирди.

*Мажид РАИМОВ.*

## МЕҲР-ОҚИБАТ МЕЗОНИ

Сергели туманидаги «Қўшқўрғон» маҳалласида 7 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Маҳаллада маънавий-маърифий суҳбатлар, турли маданий тадбирлар, ҳуқуқ посбонлари билан учрашувлар ўтказиш яхши анъанага айланган.

— Маҳалладаги осойишталик, мавжуд муаммоларнинг тезда ижобий ҳал этилиши энг аввало фуқароларимизнинг юксак маънавиятига боғлиқ, — дейди маҳалла қўмитасининг раиси Баҳром Исоқжонов. — Маънавият камол топган жойда аҳиллик, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат ва тартиб-интизом ҳам юксак бўлади. Буни ўз маҳалламиз мисолида айтсак, одамларимизнинг ҳар бир тадбиримизда аҳиллик билан фаол қатнашаётганларини кўрсатиш мумкин. Шу кунга қадар маҳалламиз аҳлининг 80 фоиздан кўпроғи Ўзбекистон Республикасининг янги паспортларини олдилар. Бу тадбирнинг юксак уюшқоқлик билан ўтаётганлиги ҳам эътиборлидир. Паспорт алмаштириш ва фотосуратга олиш хизматини бевосита маҳалла гузарида ташкил этдик.

Айни кунларда маҳаллада қишга тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилияпти.

*Ботир ҲАСАНОВ.*

## МУҲИМ ЭЪТИБОР

Республика «Камолот» жамғармасида ўтказилган ёшларни маънавий камол топтириш мавзуидаги давра суҳбати иштирокчилари бугунги кунда ёшларнинг жамиятда тутган ўрни, ўтиш даври муаммолари, умумжаҳон миқёсидаги ҳуқуқ ва вазифаларини муҳокама этдилар.

Суҳбатда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги бюроси, Олий Мажлис, вазирлик ва идоралар, жамғарма ва марказлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, талабалар қатнашди.

Бюро раҳбари Майкл Барри Лейн бу нуфузли ташкилотнинг юртимизда олиб бораётган фаолияти, келажакдаги режалари ҳақида сўзлади. У мамлакатимизда ёшларга, хусусан, талабаларга катта эътибор берилаётганини таъкидлади. Қатнашчилар «Камолот» жамғармаси томонидан тайёрланган келажак авлодлар ҳуқуқлари декларацияси лойиҳаси билан танишдилар.

Вилоятларда ёшларни маънавий камол топтириш мавзуида давра суҳбатлари ўтказиш, жамғарма қошида ЮНЕСКО клубини ташкил этиш режаларини маъқулладилар.

*Усмон ЖЎРАЕВ.*



*«Нон — азиз» дейди доно халқимиз. Негаки уни даладан буғдой ҳолатида келтириб, элаб, навига ажратиб, муҳими, инсон саломатлигига путур етказадиган ҳар хил унсурлардан ҳоли қилибгина, ишлаб чиқаришга, савдога тавсия қиладилар.*

*Ана шундай масъул ишни бурч ва вазифаларига айлантирган «Олтин Бошоқ У» акционерлик жамияти мутахассислари ҳар куни изланишда, янгиликлар, қулайликлар яратишда.*

*СУРАТДА: корхона технологи Ҳаким Жанпеисов аппаратчи Гулноз Нургаянова билан иш устида.*

*Рустам Шарипов олган сурат.*

## СЎНМАС СИЙМО

Республика бастакорлар — композиторлар уюшмасида Ўзбекистон халқ артисти, композитор Сулаймон Юдаковнинг хотира кечаси ўтказилди.

Сулаймон Юдаков яратган қўшиқ ҳамда романслар, вокал-симфоник сюита, спектакллар ва кинофильмларга ёзган мусиқалар мухлислар қалбидан чуқур жой олган. Биринчи ўзбек комик операси — «Майсаранинг иши» эса юртимиздагина эмас, хорижда ҳам кенг шуҳрат қозонган. Тадбирда сўзга чиққанлар бастакорнинг серқирра ижоди, унинг мусиқа санъатини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси тўғрисида гапирдилар.

Шу куни бастакорнинг қабрига ўрнатилган бюстни очиш маросими бўлиб ўтди.

*Улуғбек ЖУМАЕВ.*

## ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР МАВЗУИДА

Мирзо Улуғбек номли Тошкент Давлат университети қошидаги Олий педагогика институти мажлислар залида «Ўзбекистонда демократик ислоҳотлар: якунлар, муаммолар, вазифалар» мавзуида илмий-услубий анжуман бўлиб ўтди. Йиғилишда республикамиздаги олий ва ўрта махсус педагогика ўқув юртлари ижтимоий гуманитар ва табиий фанлар факультетларидан ўқитувчилар иштирок этдилар.

Ўзбекистонда демократик сиёсий тизим асосларининг яратилиши ва уни такомиллаштириш вазифалари маънавият ва маърифат, ҳуқуқий ислоҳотлар, аҳолини ҳуқуқий тарбиялаш вазифалалари матбуот, ахборот воситаларининг демократик жамият қуришдаги ўрни, вазифалари каби масалалар анжуман кун тартибидан жой олган эди.

Йиғилганлар сиёсий-ҳуқуқий ва иқтисодий ислоҳотлар, якун ва вазифалар, ёшларни маънавий-маърифий тарбиялаш масалаларида ҳам фикр алмашишди.

*Фароғат ХОЖИБОЕВА.*

*Аҳолига қулайлик*

## ЯНГИ ДЎКОН ОЧИЛДИ

Шаҳримиздаги Ҳамза тумани Янгиобод даҳаси кейинги вақтда янада кўркамлашиб, чирой очиб бормоқда. Бу ерда аҳолига қулай бўлиши учун даҳанинг бозори қуриб битказилган эди. Яқинда шу бозор ичида «Одил-дон» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига қарашли дўкон очилди. Дўконни иссиқ нон, ун ва ун маҳсулотлари билан таъминлаб туриш ҳомийлигини жамият ўз зиммасига олди.

— Кўпминг кишилик даҳанинг аҳолиси, деярли кундалик харид учун мана шу бозорга келади. Эндиликда улар фақат қишлоқ хўжалик маҳсулотлари эмас, балки дўкондаги маҳсулотлардан ҳам харид қилиш имкониятига эгадирлар. Ҳозир бу ерда шартнома асосида «Нон-паста» ҳиссадорлик жамиятидан ва нон корхоналаридан келтирилаётган нон ва ун маҳсулотлари сотилмоқда. Шунингдек халқ эҳтиёжи учун зарур бўлган саккиз турдаги маҳсулотларнинг мунтазам бўлишини ҳам таъминлашга ҳаракат қилаяпмиз, — дейди дўкон мудири Саида Шомагдиева.

*Эркин ЭСИРГАДИЕВ.*

*Обуна — 97*

## ИШОНЧЛИ КЎМАК



**Айни кунларда пойтахтимиздаги қайси бир алоқа бўлимига кирманг, одамларнинг кўплиги, ходимларнинг қўли қўлига теғмаётганининг гувоҳи бўласиз. Худди шундай ҳолни Акмал Икромов туманидаги 132- алоқа бўлимида бўлганимизда ҳам кўрдик. Эндигина обуна варақасини тўлдириб бўлган аёлни суҳбатга тортдик.**

— Бу ерга мен «Тошкент оқшоми» газетасига обуна бўлиш учун келганман, — деди у ўзини Ҳадича Мажидова деб таништириб. — Бу — бизнинг оилада одат тусига кирган. Мана, 15 йилдирки, ҳар йили куз ойларида бу нашрга обуна расмийлаштиришни эсдан чиқармай келамиз. «Тошкент оқшоми» газетасини оиламиз билан севиб мутолаа қиламиз. Ҳар ким ўзи қизиққан мавзудаги мақолани ўқийди. Шахсан мен шаҳримиз ҳаётидан мунтазам воқиф бўлиб туриш учун бу газетани ўқиб бораман.

Обуна пулини тўлаш учун навбатга турганларнинг деярли барчаси «Тошкент оқшоми» газетаси ҳақида илиқ гапларни айтишди. Хусусан Ёқут Исломхўжаева бу газетани 20 йилдан буён уйига олиши, чунки «Оқшом» ҳақиқий газетхоннинг барча талабларини тўла қондирадиган нашр эканини билдирди.

Алоқа бўлими бошлиғи Наима Азимжонованинг айтишича, ён-атрофда асосан маҳаллий миллат вакиллари истиқомат қилиши сабабли «Оқшом» газетасига обуна бўлиш уюшқоқлик билан олиб борилаётир.

*Мурод РАҲИМОВ.*



*СУРАТДА: (чапдан) обуначилар Ҳадича Мажидова, Ёқут Исломхўжаева, Халқ демократик партиясининг туман бўлими вакили Атаулла Исахонов ва алоқа бўлими бошлиғи Наима Азимжоновалар обуна варақасини расмийлаштириш пайтида.*

*Засим Соколов олган сурат.*

## ҚАДРЛИ МУШТАРИЙЛАР!

«Тошкент оқшоми»га обуна нархларини яна бир бор эслатамиз. Яъни:

**УЙ МАНЗИЛИГА**

- Бир ойга — 99 сўм
- Уч ойга — 297 сўм
- Олти ойга — 594 сўм
- Бир йилга — 1188 сўм

**АБОНЕНТ ҚУТИСИГА**

- Бир ойга — 79 сўм
- Уч ойга — 237 сўм
- Олти ойга — 474 сўм
- Бир йилга — 948 сўм

**ИНДЕКС — 64690**

**«Тошкент оқшоми»га Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида чекланмаган миқдорда обуна қабул қилинади.**

○ ЯНГИЛИКЛАР ○ ВОҚЕАЛАР ○ ХАБАРЛАР ○ ЯНГИЛИКЛАР ○ ВОҚЕАЛАР ○ ХАБАРЛАР ○

Қонун ҳаммага баравар

## МУВОФИҚЛИК СЕРТИФИКАТИ БЎЛСИН

Юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнида ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришни жадаллаштиришга катта эътибор берилмоқда. Айниқса ҳаётимиз учун зарур бўлган халқ истеъмоли буюмларини, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи кичик корхоналарнинг оёққа туриб олиши учун ҳар қандай кўмак берилиши лойиқ. Бинобарин шаҳримизда турли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи хусусий кичик корхоналар сони турли муаммолар мавжудлигига қарамасдан аста бўлсада кўпайиб бормоқда. Бундан ташқари тадбиркорларимиз узоқ ўлкалардан қийинчиликлар, бедор кечалар эвазига озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари билан бозоримизни тўкин қилишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу ишлар ҳам таҳсинга лойиқдир. Бироқ шуни айтиш keракки, стандартлаштириш меъёрларига оид ҳужжатларсиз, маҳсулот сифатини белгиловчи сертификатсиз, ўзбошимчалик билан маҳсулот ишлаб чиқариш ва сертификати бўлмаган молларни олиб келиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Бу ҳол истеъмолчиларнинг манфаатига зиён етказаётир. Очиғини айтиш керак: рўзғор учун керак бўлган буюмларни ва озиқ-овқат маҳсулотларининг кўп қисмини бозордан харид қиламиз. Четдан, савдогар томонидан фойда кўришни кўзлаб олиб келинган буюм тезда яроқсиз ҳолга келганда ёки идишларга қадоқланган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, таъми мутлақо қондирмаган тақдирда ҳам биз харидорлар куйиб қолаверамиз. Зеро, бозордан олинган сифатсиз маҳсулотни ҳеч ким алмаштириб бермайди-да.

Дарвоқе, истеъмолчиларнинг манфаатини ҳимоя қилувчи қонун бор, шунга асосан алмаштириб бериши ёки унинг учун тўланган пулни қайтариб бериши шарт. Аммо бу механизм ишламаяпти, уни ишга соладиган йўқ. Мана шунинг учун ҳам сертификат керак. Унда маҳсулотни дўкондан олсангиз касса чеки ва харид қилган буюм билан стандартлаштириш бошқармаси идораларига мурожаат қилиб улар орқали олган буюмингизни алмаштириб олишингиз ёки тўлаган пулингизни қайтариб олишингиз мумкин. Очиғини айтганимизда бундай тартибни ҳали кўпчилик билмайди. Биз азалдан пештахта ортида турган сотувчининг қўпол муомаласига кўникиб кетганмиз. Ўз ҳуқуқимизни талаб қилишга истиҳола қиламиз, асабимизни бузгимиз келмайди. Тўғри, бу ўринда савдогарни ҳам, дўкондаги сотувчини ҳам тушуниш керак. Ахир у ҳам не азоблар билан товарни келтирган, ялинган-ёлворган. Аммо кимдир ишлаб чиқарган сифатсиз маҳсулот учун улар айбдор бўлиши керак. Хўш, истеъмолчининг айби нимада? Шунинг учун ҳам бу ишларда қаттиқ тартиб ўрнатиш пайти келди. Ваҳоланки, бозор муносабатларига ўтишнинг олий шарти ҳам шу. Қолаверса, энг биринчи навбатда истеъмолчининг манфаати ҳимоя қилиниши керак. Сертификатларсиз маҳсулот ишлаб чиқараётганлар ва мазкур ҳужжати бўлмаган молларни олиб келаётганлар турмушимиздаги айрим тақчилликдан фойдаланишга уринмоқдалар. Юқоридаги мулоҳазаларимизни янада тўлдириш ва мувофиқлаштириш мақсадида «Ўздавстандарт» Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Қобилжон ака Ваҳобов билан ўртоқлашдик. У киши бизнинг фикрларимизни тасдиқлаш билан бирга шаҳримиздаги баъзи кичик корхоналар фаолияти, бозорларда сотилаётган маҳсулотлар текширувдан ўтказилган вақтдаги ҳолатлар ҳақида гапириб берди.

— Ҳозирги кунда фуқаролар ва ширкатлар ҳисобига кўп корхоналар қурилмоқда, — дейди у. — Бунда баъзи камчиликларга дуч келинмоқдаки, бу корхоналарнинг ишлаб чиқараётган маҳсулоти давлат стандарти талабларига мутлақо жавоб бермаяпти. Бунинг асосий сабаби Ўзбекистон Республикаси «Стандартлар тўғрисида»ги қонунни мукаммал билмасликларида деб биламан. Қонуннинг 5-моддасида ҳар бир корхона ишлаб чиқариш жараёнида ўз маҳсулотини давлат стандарт маркази томонидан тасдиқланган давлат стандарти асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйишлари керак. Аммо кўпгина хусусий корхоналар ўз билгиларича маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар. Қонуннинг 6-моддасида ишлаб чиқариш жараёнида халқаро стандартлар, Ўзбекистон Республикаси стандартлари, тармоқ стандартлари, техник шартлар, хорижий мамлакатнинг миллий стандартларидан фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилган. Мана бунга мисол қилиб биз яқинда Собир Раҳимов туманидаги «Бурек» нон ишлаб чиқариш кичик корхонасини келтиришимиз мумкин. Бу корхона раҳбарлари ҳеч бир стандарт ҳужжатларисиз маҳсулот ишлаб чиқараётгани аён бўлди. Маҳсулотнинг на рецептураси, на сифат томонидан кафолатланадиган ҳужжати бор. Бу ташкилотга маҳсулот ишлаб чиқариш қатъиян ман этилиб, беркитиб қўйилди. «Виза» корхонасида эса осма электр қандиллар ишлаб чиқарилар экан. Улар ҳам ўз маҳсулотларини сертификациядан ўтказмаганлар. Буларда ҳам ишлаб чиқариш тўхтатилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бу муаммонинг бир томони. Иккинчи томони Ўзбекистон Республикасида маҳсулотларнинг ва хизматларнинг сертификациялаштириш қонунининг бажарилиши. Бу қонун бўйича ҳар қандай озиқ-овқат маҳсулотлари сертификациядан ўтказилиши керак (сертификация қилиниши керак бўлган маҳсулотлар рўйхати бор). Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга сертификация берилади. Шунга қараб маҳсулот сифати бўйича давлат кафолати ҳам берилган бўлади. Албатта бунда кичик корхона раҳбари ёки шу иш билан банд бўлган тадбиркор марказга мурожаат этсагина мана шу айтиб ўтилган ҳужжатларнинг эгаси бўлиши аниқ.

Ҳозир кўпгина давлатлардан маҳсулотлар олиб келиняпти, яъни Бирлашган Араб Амирликлари, Греция, Италия, Голландия, Германия, Чехия, Россия ва бошқа давлатлар шулар жумласидандир. Улар консерва, қандолат маҳсулотлари бўлиб, баъзан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, электротехника асбобларини ўз ичига олади. Бизнинг давлатимиздан эса асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, баъзан алкоголь ичимликлари олиб чиқилиб, сотувга қўйилмоқда. Бизни ташвишлантираётган нарса сертификация жараёнини билмасдан юртимизга маҳсулот олиб кираётган ҳам, олиб чиқиб кетмоқчи бўлаётганлар ҳам азият чекмоқда. Ўртада ё маҳсулот исроф бўлади, ёки сифатсиз товарни сотиб олаётган истеъмолчи куйиб қолаверади. Сертификация ишини амалга ошириш унчалик қийин эмас. Марказимиз ҳамда унинг ваколатини олган ташкилотимиз бор. Республикамизда 50 га яқин лабораториялар ишлаб турибди. Шуларга мурожаат қилинса, у ердаги мутахассисларимиз тегишли жойга бориб маҳсулотдан намуна олиб келишади ва текширувдан ўтказиб беришади. Маҳсулот давлат стандартлари талабига жавоб берсагина сертификат ёзиб берилади. Бу сертификат билан сиз Ҳамдўстлик давлатларининг турли бурчакларида ўз маҳсулотингизни сотишингиз мумкин бўлади.

Айрим тадбиркорлар ўзларича ишбилармонлик қилиб Тошкент шаҳри ёки бошқа катта шаҳарлардаги бозорлардан озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиб олиб, уни дўконларда сотишга уриниб кўришмоқда. Бундай тадбиркорларда мувофиқлик сертификати бўлиши керак. Агар бундай ҳужжат бўлмаса ўша фуқаро Ўзбекистон Республикаси сертификациялаш қонунини бузган бўлади. Текшириш жараёнида яна шу нарсанинг гувоҳи бўлдикки, кўпгина алкогол ичимликлари сертификация қилинмаган, давлат стандартига жавоб бермаган ҳолда бўлсада, одамларга сотилмоқда. Ахир инсон саломатлиги ҳақида озгина бўлсада ўйлашимиз керак-ку! Мана яна бир мисол. «Паркент» бозорининг таърифи ҳаммага маълум. Бу ерда кўпроқ озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар улгуржи савдоси бўлади. Буни қарангки, бир маротаба текшириш жараёнида 200 донадан кўпроқ арақ ва коньяк ичимликлари давлат стандартига жавоб бермаганлиги боис шу ернинг ўзида тўкиб ташланди. Ёки бўлмаса Эски шаҳар бозорини олиб кўрайлик. Бу ерда ҳам давлат стандарти талабларига жавоб бермайдиган 30 килограмм колбаса маҳсулотлари сотилиши бекор қилинди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Аммо қанчадан-қанча меҳнат сарф этиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйган тадбиркорлар, ишбилармонлар давлат стандарти талабига жавоб берадиган ва сертификация қилинган маҳсулотларни ишлаб чиқарсангиз ютуғингизга ютуқ қўшилади. Қолаверса, инсонлар саломатлигига зиён етмайди. Буни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

*Баҳодир МАҲМУДОВ.*

Излаган имкон топади

## САЛМОҚЛИ ЎЗГАРИШЛАР



***Янги ўқув йили бошланган кундан биринчи синфга борган шаҳримиздаги айрим мактабларнинг ўқувчилари лотин имлосида чиққан рангли суратли китоблардан баҳраманд бўлишди. Китоблардаги суратларга берилган ранглларнинг жилоси жажжи болажонларимизнинг ўқишга, нутқини ўстиришига катта ёрдам бериши аниқ. Бундай рангли босмада тайёрланаётган китоблар, плакатлар ва бошқа шунга ўхшаш маҳсулотлар шаҳримиздаги рангли босма фабрикасида тайёрланади. Бу фабрикада 300дан зиёд ишчи-хизматчи ишлайди. Ишчиларнинг амалга ошираётган ишлари катта ва масъулиятли эканлигига у ердаги иш жараёни билан танишганимизда гувоҳ бўлдик. Фабрика раҳбари Ботир Диёров билан шу кунлардаги амалга оширилаётган ишлар ва келгуси режалар ҳақида суҳбатлашдик.***

**— Ботир Раҳмонович, ўқувчилар учун мўлжалланиб чиқарилган китоблар фақат шаҳримиздаги мактабларга тарқатиладими ёки...**

— Юртимиз келажаги бўлган болаларнинг билим олишлари, ўқиб-ўрганишлари учун керак бўлган барча имкониятларни ишга солиб, улар учун етарли миқдорда ўқув китоблари тайёрлаб беришга ҳаракат қилмоқдамиз. Шаҳримиздаги бошқа бир неча босма фабрикалар қатори бундай масъулият бизга ҳам юклатилган. Ишлаб чиқарадиган маҳсулотимизнинг 90 фоизини ўқувчиларга бағишланган дарсликлар ташкил этади. Бу дарсликларни чоп этиш учун Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан «Ўқитувчи» нашриётига буюртма берилади. Нашриёт эса бизга. Мана шу ҳамкорлик асосида тайёр бўлган дарсликларимиз бутун республика бўйлаб тарқатилади. Янги ўқув йилига 7 номдаги китоблардан 2 миллион 660 минг нусхаси айнан 1-синф учун мўлжалланган лотин имлосидаги китобларни чоп этдик. Айни шу кунларда эса 2-синф ўқувчиларига мўлжалланган лотин имлосидаги китобларни чоп этишга тайёргарлик кўрмоқдамиз. Бу китоблар рангли суратлар билан безатилган бўлиб, ўйлаймизки лотин имлосини ўрганмоқчи бўлган катталарга ҳам ёрдам беради.

**— Сизлар асосан кимлар билан кўпроқ ҳамкорликда иш юритасизлар?**

—Асосан шаҳримиздаги барча нашриётлар, корхона ва ташкилотлар билан ишлаймиз. «Ўзбекистон», «Ўқитувчи», Ғафур Ғулом номли, «Ёзувчи», Абдулла Қодирий номли нашриётлар шулар жумласидандир. Корхоналар эса кўпроқ бизга муассасанинг ёрлиқларини (этикеткасини), буклетларини, плакатларини тайёрлаш учун буюртма берадилар. Барча буюртмалар ўз вақтида ва сифатли қилиб бажарилишига кафолат бера оламиз. Бу ишда жамоамизда кўп йиллардан буён меҳнат қилиб келаётган ишчиларимизнинг ҳиссалари катта бўлмоқда. Айниқса, бош рассом Дамир Файзираҳмонов, рассом-ретушчилардан Тошпўлат Тўхтаев, Ножия Қўчқорова, Ҳасан Ҳайдаровларнинг меҳнатини алоҳида таъкидлашимиз керак. Биз шу ўринда ёшларнинг устози, шу корхонада 25 йилдан ортиқ вақтдан буён ишлаб келаётган Ёқуб Муҳамедовдек ишчимиз борлигидан фахрланамиз. Унинг кўп йиллик





самарали меҳнати яқинда муносиб тақдирланди. У «Шуҳрат» медали билан мукофотланди. Корхонамиз ишчисига берилган бундай мукофот барчамиз учун шарафлидир.

**— Ботир ака, айнан рангли бўёқлардан фойдалансаларингиз унда хом ашё масаласини қандай ҳал этаяпсизлар?**

—Дарвоқе, бу борада кўп изланишга, тадбиркорлик билан иш юритишга тўғри келмоқда. Ички имкониятлардан фойдаланяпмиз. Бундан ташқари кўпроқ шартнома асосида иш юритишга киришганмиз. Босмахонадаги мавжуд дастгоҳлар бироз эскирган бўлсада, аммо сифатли бўёқлар билан ишласак ҳар қандай шароитда ҳам маҳсулотларимиз сифатли чиқишига эришаяпмиз. Керак бўладиган асосий эҳтиёт қисмларни Германиядан, бўёқларни Франциядан, фотопленкаларни Россиядан шартнома асосида олиб келмоқдамиз. Хом ашё учун тўланадиган пул банк орқали конвертация йўли билан амалга оширилмоқда. Шу ўринда мактаб ўқувчилари учун чоп этиладиган китобларга бўлаётган харажатларни қоплашда бизга ёрдам бераётган Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигига, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар Миллий банкига ва қолаверса «Ўқитувчи» нашриётига ўз миннатдорчилигимизни изҳор этамиз. Уларнинг фидойиликлари эвазига фабрикамиз ишчилари иш билан таъминланмоқда ва моддий рағбатлантирилаётир.

Самарали меҳнатларимиз туфайли ўтган ўн ой давомида 28,9 миллион сўмлик хом ашё олиб, ундан 77,4 милион сўмлик тайёр маҳсулот ишлаб чиқардик. Олинган фойда эса 17,7 миллион сўмни ташкил этди. Ишимизда салмоқли ўзгаришлар, ривожланишлар бўлмоқда. 1997 йилнинг 1 июлига қадар 2-синф ўқувчиларига мўлжалланган дарсликларни чоп этишга барча куч-ғайрат сафарбар этилган.

*Гулзода МАМБЕТОВА.*

*СУРАТЛАРДА: бир гуруҳ матбаачилар чоп этилаётган китобларнинг сифатини назоратдан ўтказишмоқда; бригадир Одил Мўминов, Ҳаёт Мансуров ва ишчи Бургутхон Бургутбоевалар навбатдаги маҳсулотни чоп этишга ҳозирлашмоқда; бежиримгина мана шу босма дастгоҳида миллионлаб нусхадаги китоблар чоп этилади.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

# ТОШКЕНТ ТАДБИРКОРИ

Ислоҳотлар йўлидан

## АНИҚ МАҚСАД САРИ

***Маълумки, иқтисодий ривожланишда кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликнинг давлат тизимида тутган ўрни катта аҳамиятга эгадир. Тошкент шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг реклама, ахборот ва матбуот департаменти бошлиғи Алишер Исоқов палатада шу кунгача амалга оширилган ишлар ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:***

— «Бизнес» сўзи инглизчадан таржима қилинганда «Иш», «Машғулот» деган маъноларни англатади. «Бизнесмен» сўзи эса «Иш билан банд одам» деганидир.

Худди ана шу иш билан банд одамлар, яъни тадбиркорлар, ҳатто кечаю-кундуз тинмай, айтайлик, ажойиб одамлар қуршовида ишласалар ҳам ишлари юришмайди. Сабаб нимада?

Биз ўз олдимизга қўйган мақсадларимизга эришиш йўлидаги илк қадамни тадбиркорлар муаммоларини таҳлил қилишдан бошладик.

Тадбиркорларимиз бугунги кунда сармоя ажратиш, солиқ тўлаш, ходимларни тайёрлаш, ахборотга эга бўлган, республика ҳудудида ва чет элда ҳамкорларни излаб топиш масалаларида мададга эҳтиёж сезяптилар.

Муаммоларнинг салмоқли қисми банклар фаолияти билан боғлиқ. Амалдаги кредит ставкалари ишни бошлаш ёки ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ҳамма нарсани етти марта ўлчаб, бир марта кесишга ўргатмоқда.

Тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар ўз товарларини республикадан олиб чиқиб кетиш ва олиб киришда қийинчиликлар келиб чиқмоқда. Фақатгина ҳужжатларни расмийлаштириш 10-15 кунга қадар чўзилиб кетмоқда.

Яна бир муҳим масала — бизнесни ахборот билан таъминлашдир. Маълумки, хусусий тадбиркорлик мукаммал ташкил этилган маркетинг хизматларисиз, бозорнинг эҳтиёжи ва истиқболларини, ишлаб чиқариш омилларини, тадбиркорликка тегишли қонунларни ўрганмай туриб, унумли ишлай олмайди. Шунинг учун биз кенг қамровдаги маслаҳат хизматларини йўлга қўйишни мўлжалламоқдамиз, яъни палата тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишлари мумкин бўлган жойга айланади.

Юқорида санаб ўтилган муаммоларни ҳал қилиш йўлида шу йил охиригача амалга ошириладиган бир неча режаларимиз бор. Тошкент ва шаҳар туманлари палаталари қошида тадбиркорларга консалтинг, аудиторлик, юридик ва бошқа маслаҳатлар жуда зарур бўлаётганлигини ҳисобга олиб, биз зудлик билан тадбиркорларга юқорида айтиб ўтилган хизматларни кўрсатиш бўйича хўжалик ҳисобидаги бўлинмалар ташкил қила бошладик. Жумладан, шу бугунги кунга келиб Тошкент шаҳар палатаси қошида «Юридик маслаҳат» масъулияти чекланган жамияти рўйхатга олиниб ўз фаолиятини бошлади, унда юқори малакали мутахассислар мурожаат қилаётган тадбиркорларга керакли маслаҳатлар бериб бормоқдалар. Ишлаб чиқарилган ёки республикага олиб кирилаётган маҳсулотлар сифатини белгилаб бериш хизматларини кўрсатиш учун «Тадбиркор ва сифат», аудит ва консалтинг хизматлари кўрсатиш бўйича «Аудит сервис» каби бўлинмаларимиз давлат рўйхатидан ўтказилмоқда.

Салмоқли натижаларни қўлга киритмоқчи бўлган ҳар бир ишлаб чиқариш, фирма раҳбари учун энг муҳими қўл остида саводли, юқори малакали, ҳар томонлама баркамол ходимларнинг ишлашидир. Шу сабабли биз Тошкент молия институти ва Тошкент шаҳар Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси билан биргаликда палатамиз аъзолари учун керакли мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг ходимлари малакаларини ошириб бориш мақсадида «Бизнес мактаби» очишни ўйламоқдамиз.

Бутун дунёда мавжуд бўлган савдо-саноат палаталаридан фарқли ўлароқ, бизда товар ишлаб чиқарувчиларнинг ривожланиши ва оёққа туриши, шундан кейингина унга жаҳон бозорига чиқишига ёрдам бериш кўзда тутилган. Республика учун зарур бўлган товарларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ривожлантириш фаолиятимизнинг асосини ташкил этади. Биз шуни биламизки, йирик саноат корхоналари ва фирмаларга бозор иқтисодиётида фаолият юритиш майда ва кичик корхоналарга, оилавий пудрат ва ҳунармандчиликка қараганда анча осон. Шунинг учун ҳозирги кунда энг асосий ишларимиздан бири шаҳримиздаги ҳунармандчилик йўналишлари бўйича миллий анъаналардан келиб чиққан ҳолда «Уста», «Устоз», «Иш берувчи» каби касбий тоифа номларини замонавий мазмун билан бойитиб, палата қошида уларнинг бирлашмалари, гильдияларни ташкил қилишга киришдик. Ҳар бир гильдия ишлаб чиқарувчилари томонидан ўз устасини сайлаб, улар жойлардаги палата ходимлари ва маҳалла фаоллари билан биргаликда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини аниқлаш, рақобатбардошлигини таъминлаш, ресурс ва таъминотчилар топиш, сотув бозорини аниқлаш, тажриба алмашиш ва бошқа кўпгина вазифаларни бажаришлари керак бўлади.

*Гули АБДУЛЛАЕВА.*

Минг бир касб

## МАҲАЛЛА КОСИБИ

Маҳаллада тадбиркорлик ишларини йўлга қўйиш ва уни доимий равишда олиб бориш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Аммо Ботир Тожибоев бор маҳоратини ишга солиб маҳаллада косибчиликни кенг йўлга қўйди.

— «Яккасарой—2» маҳалласи туманимизда аҳолиси зич жойлашган маҳаллалардан саналади, — дейди Ботир ака. — Бу ерда истиқомат қилаётганларнинг кўпчилиги ўзимга таниш. Айрим ёш болалар ҳам чарм коптоклари йиртилиб қолгудек бўлса тезда олдимга чопиб келишади. «Жон амакижон, коптогимизни тикиб беринг, кейин кечқурун ботинкамизни тикиб берасиз» деб қўйишади. Чунки коптокни тепавергач ҳар қандай ботинка ҳам чидаш беролмайди-да. Маҳалладошларимга қўлимдан келганча ёрдам беришга, яна янги пойабзал олгунларича эскисини яроқли қилиб беришга ҳаракат қиламан. Уларнинг самимий айтаётган ташаккурлари мени янада яхши ишлашга ундайди. Аслида қўлимдан келмайдиган ишнинг ўзи йўқ, лекин кўпроқ косибчиликни хуш кўраман. Аввал бошқа ширкатларда ишлаб юрдим. Мана икки йилдан буён шу маҳалламизнинг косибига айландим-қўйдим. Бундан фахрланаман. Маҳалламиз болаларига «ҳунарли бўлинг, ана ўшанда тадбиркорлик сир-асрорларини ўз қўлингиз билан жиловлаб олган бўласиз», — деган маслаҳатларимни бериб тураман.

Ахир доноларимиз «Ҳунарлининг иши унар» деб бежиз айтишмаганда.



*Гулнора САЪДУЛЛАЕВА.*

*СУРАТДА: косиб Ботир Тожибоев.*

***Сиртқи мактабимизнинг навбатдаги сабоғида ҳозирги кун талаби асосида, барчамизга аниқ ва равшан бўлиб, онгимизга сингиб бораётган қимматли қоғозлар бозори тизимида амал қиладиган атамалар ҳақида тўхталмоқчимиз. Бу атамалар ҳар бир фуқарога, албатта қимматли қоғозлар билан муомалада бўлганлар учун иқтисодий ва ҳуқуқий кучга эгадир.***

Иқтисодий билимлар сиртқи мактаби

## ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИДА

• ХИФ (Хусусийлаштириш Инвестиция Фондлари) — ўз акциялари эмиссияси ҳисобига маблағ жалб этишдан ўз маблағлари ва махсус давлат кредитларидан корхоналарнинг қимматли қоғозларига, қимматли қоғозлар савдосига сармоя (инвестиция) ётқизишдан иборат фаолият кўрсатадиган очиқ турдаги акционерлик жамияти.

• ЭМИССИЯ — компаниянинг қимматли қоғозларини муомалага чиқариш ёки бундай қоғозларни тақсимлаш жараёни.

• ЭМИТЕНТ — пул белгилари, қимматли қоғозлар, тўлов-ҳисоб-китоб ҳужжатларини муомалага чиқарадиган давлат (марказий ёки маҳаллий ҳокимият, бошқарув органи) корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, компаниялар.

• ЭМИССИЯ ПРОСПЕКТИ — дастлабки пайтда қимматли қоғозларни жойлаштиришга рухсат олиш мақсадида давлат органига тақдим этиладиган ҳужжат. У қимматли қоғозларни чиқарадиган компания ҳамда қимматли қоғозларнинг ўзи ҳақида тўла, ҳақиқий ва аниқ ахборотга эга бўлиши керак.

• ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР— мулк ҳуқуқи ёки уларни чиқарган шахс билан сотиб олган шахс ўртасидаги қарз муносабатларини тасдиқлайдиган пул ҳужжатлари бўлиб, дивидендлар ёки фоизлар тариқасида даромад тўлашни ҳамда бу ҳужжатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни бошқа шахсларга бериш имкониятини назарда тутади. Қонунчиликда акциялар, облигациялар, хазина мажбуриятлари, депозит сертификатлари, қимматли қоғозлар ҳосилалари, векселлар қимматли қоғозлар ҳисобланади.

• ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ — жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг қимматли қоғозлар чиқариш, уларни муомалага киритиш ҳамда улар бўйича қарзларни узиш билан боғлиқ муносабатлар тизими.

• ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ИШТИРОКЧИЛАРИ — қимматли қоғозлар эмитентлари, сармоядорлар, сармоя ташкилотлари, шунингдек, уларнинг бирлашмалари (уюшмалар), фонд биржалари, давлат томонидан қимматли қоғозлар бозорини бошқариш ва мувофиқлаштиришга ваколати бор органлар ва бошқалардир.

* * *

### БАНК

Бу аслида «стол» деган маънони берувчи сўздир. Маълум бўлишича, дастлабки банклар XIV асрда Италиянинг Венеция шаҳрида пайдо бўлган.

Ҳар бир ҳукмдор пул муомаласини ташкил қилиб, ўз тангаларини зарб этишга ҳуқуқли бўлган. Кейинчалик танганинг софлик даражасига кафолат бера оладиган ҳамда бир давлат пулини иккинчи давлат пулига алмаштирадиган муассасалар тузиш зарурияти туғилган. Тангани алмаштириш қадимги Венециядаги ҳашаматли саройларнинг тош столларида олиб борилган. Шу тариқа пул сотиб олувчи муассасаларни «банко» деб атай бошлаганлар.

### ДЕПОЗИТ

Бизда тор маънода ишлатилиб, маълум бир муддатга жалб қилинган маблағларга нисбатан қўлланилади. Ривожланган барча мамлакатларда эса ҳисоб-китоб, жорий ҳисоблар ҳам депозит ҳисоблар қаторига киритилади. «Депозит», аслида лотинча сақлаш учун берилган буюм, нарса маъносини англатади.

### ЛИЗИНГ

Бу сўз аслида инглизча бўлиб, ижара маъносини билдиради. Машина-механизмлар, транспорт воситалари, бинолар, ЭҲМ ва ҳоказолар банк орқали маълум муддатга ижарага берилади.

Лизинг компанияси ёки тижорат банки бозор коньюктурасини ва хўжаликлар эҳтиёжи, имкониятларини билган ҳолда турли хил замонавий ашё, жиҳозларни сотиб олиб, одатда 2—2,5 йилга ва кўпроқ муддатга ижарага беради.

# АРМОН

**(Давоми. Боши 3-бетда).**

Она-боланинг хушчақчақ кайфиятини кўрган Салмон ота қўлидаги қамчи дастасини айвон устунига бир-икки тиқ-тиқ эткизиб урди. Дарвишалининг саломига бошини ликиллатиб қўйиш билан алик олди, уни бошдан-оёғигача кузатиб, ўзига-ўзи ҳеч нимага ақли етмаганини изҳор қилгандай лабини бурди. Она-бола апоқ-чапоқ бўлиб, бири дастурхон ёзиш, бири ўчоқнинг оловини пасайтириб, вағиллаб, қайнаб турган қумғонни эски дўппида ушлаб, дўнг чойнакка чой дамлаш билан шуғулланар, иккалалари ҳам одатдагидан чаққондай кўринишарди.

Нонуштага фотиҳа тортилиб ўрнидан қўзғолган Дарвишали остонадан кўчага хатлаши билан яна ўзини оғирлашгандай ҳис этди. Хаёллари яна қуюқ туман ичига кириб қолиб, йўл тополмагандай типирчилар, ўзини қаёққа уришни, нима қарорга келишни билмасди. У бугун ишни нимадан бошлашни ўйлаб, йўлни ғишт қуяётганлар ёнига бурди, ундан кейин арракашлардан хабар олди, уларга қарашди. Бу ерда кечгача кунни кеч қилиб, кейин идорага ўтиб, тун қоронғусидагина уйга кирмоқчи бўлган Дарвишали ўз қарорида туролмади. «Бугун Ширинбулоққа Зиёхон келади, — Дарвишали Ширинбулоққа шошилди. — Кўчалар супуриб-сидирилганмикин? Қишлоқнинг ҳамма болаларини ишга соламан. Ҳар ким ўз ҳовлисининг рўпарасини сўлим қилиб қўйсин. Супуриб, сув сепишни ўзим бошлаб бераман. Зиёхон келади-ку?! Нега уни кутиб олиш ҳозирлигини ўйламадим?» У қадамини тезлаштираркан, хаёлида ҳозир Ширинбулоқ аллақандай тараддудда, тўй кайфиятида, ҳаяжонда нафас олаётгандай эди. У қишлоққа яқинлашяпти, мана, кириб ҳам боряпти. Ҳамма ёқ жим-жит, сокин, одамлар ҳеч гап йўқдай хотиржам. Нега? У ажабланиб боряпти. Йўқ, одамлар бепарво эмас, ҳаммаси сирлидай. Кўча эшиги остонаси олдида турган Ибодулло махсум у яқинлашиши билан ўзини кўрмаганга олиб, уйига кириб кетди. Дарвишалининг кўзига одамлар энди бошқача кўрина бошлади. У остона хатлаб, ҳовлиларига қадам қўйганда бу таажжуб яна ошди. Ҳовли бетида онаси кўринмасди. Кўчада ўйнаб юрган Одилжон югуриб келиб, дадасининг бўйнига осилди. Дарвишали ўғлининг юзидан ўпди.

— Аянг келдими?

— Ҳа! — деди Одилжон. У чорбоғ тарафдаги уйга чопди. Дарвишали ҳам унинг орқасидан борди. Онаси ҳам шу ерда экан. Ойимхон хола билан Маҳбубахон бир-бирларига тикилишиб, бир нимани шивир-шивир билан муҳокама қилишарди. Дарвишалини кўриб, иккалалари ҳам ўринларидан туришиб, дам Дарвишалига, дам бир-бирларига қарашарди. Кўчадаги одамларнинг нигоҳлари бошқача, буларнинг пичир-пичирлари бошқача. Ҳатто Одилжоннинг кўзларида ҳам айтилмаган бир нима бордай.

— «Келин тушди» қолдими? — деди Дарвишали Маҳбубахонга охири чидамай.

— Шунақа шекилли!

— Нега?

— Билмадим, — Маҳбубахон тараддудланди.

— Келин билан куёвнинг гаплари гапларига тўғри келмай қолибди, — деди Ойимхон хола шартта, — келин куёвнинг уйини кўришга ҳам улгурмай ажралишгани қизиқ-ку!

— Дадам бечоранинг ерга қарагани-чи? — деди Маҳбубахон гап очилганидан кейин ўз хафалигини яширолмади. Дадасининг эрталабки гапини қайтарди. — Етим қўзи асрасанг, оғзи-бурнинг мой этар, етим бола асрасанг, оғзи-бурнинг қон этар...

— Етим устидан кулмаслик керак! — ҳали гапнинг таг-тугига етмаган Дарвишали хотинига танбеҳ берди.

— Ўша мочағарнинг номини тилга ҳам олманг, — деди Маҳбубахон эрталаб онаси Хайринисонинг кимгадир айтаётган гапини такрорлаб. У эрининг олдида «мочағар» сўзини беихтиёр тилга олганидан хижолат бўлиб, лабларини тишлади.

— Шунақа ифлос гапларни ҳам биласизми? — Дарвишали ғазабланиб кетди. «Ахир шундай Зиёхоннинг юзига лой чапляпти. Зиёхонга! Нима ҳадди бор, қандай тили борди? — Дарвишали Маҳбубахонга еб юборгудай бўлиб тикилди. — Зиёхондан нима айб ўтди экан? Аҳматилло билан ораларидан нима гап қочди экан?» Ойимхон хола ўрнидан туриб, чорбоғдаги уйдан чиқиб, ўзларининг хоналарига кириб кетди. Маҳбубахон билан Одилжон унга эргашди. Улардан кейин қўзғолган Дарвишали кўча эшик остонаси тагига бориб, яна ўйланиб қолди. У ҳеч ким билан учрашишни истамасди, ҳаммадан ҳам ҳали ўзи тушуниб етмаган бугунги пичир-пичир ҳақида саволга тутилиб қолишдан қўрқарди. У ҳеч ерга сиғмай қолди. Ичкарига киришга ҳам юраги бетламас, Зиёхон ҳақида яна бирор ножўя гап эшитишдан безиллар, Маҳбубахоннинг ҳалиги гапи энди қулоғи остида шанғиллаб такрорланарди. У бир ерда ўтиролмай ҳовлининг у бошига бориб, бу бошига келар, асаблари борган сари таранглашарди. У ичкарига қаради. Аёлларнинг овози чиқмасди. У яқинроқ бориб, секин мўралади. Иккалалари ҳам кечки овқатга баробар уннашиб, бири сабзи-пиёз арчиб, супра ёзиб, бири қозонга ўт қалаб, бир-бирлари билан гаплашмасликка келишиб олгандай жим-жим эдилар. Дарвишалига бу сукунат уларнинг гаплари бир ердан чиқмай, бирининг фикри иккинчисига тўғри келмай, бирор гап айтиб бир-бирларини хафа қилиб қўймаслик учун ўзларини тийишаётгандай туйилди. «Зиёхон нима қиляпти экан? Аҳматилло-чи? У келдимикин? Ҳозир унинг уйига борсам-чи? Нима учун? Нима деб? — Дарвишали ҳовлининг ичида айланишда давом этди. — У билан учрашгани гапим йўқ. Ундан ҳалол гап чиқмайди. Ҳаммасидан бунинг хабари бордир. — У Маҳбубахон билан гаплашишни ўйлади. — У бор гапни айтади, у яширмайди, у қўшиб-чатмайди. Нимадан тортинаман? Зиёхон учун улар олдида бошим эгилмайди. Зиёхон ҳеч кимга ер чиздирмайди». У гурс-гурс қадам ташлаб, шаҳд билан ичкарига кирди.

— Очиқ айтинглар, нима гап бўляпти ўзи? — Дарвишали Маҳбубахонга тикилди. Иккалаларининг гапиролмай бир-бирларига сирли қарашлари ҳам Дарвишалининг юрагини «шув» эттирди, гапнинг жиддийлигини огоҳлантиргандай бўлди.

— Айтмасдан иложимиз йўқ, — деди Ойимхон хола жимликни бузиб, — қани, қизим, ўзингиз гапириб беринг.

— Зиёхоннинг яхши кўргани бор экан.

— Яхши кўргани?

— Ҳа!

— Ким экан ўша яхши кўргани?

— Айтмабди.

— Бу гапнинг ўзи кимдан чиқибди? — Дарвишалининг ранги оқариб, ўзини тутолмай тўлғанди, Маҳбубахоннинг сочларидан ушлаб, уни ўзига қаратишига, «қани, жавоб бер» дейишига бир баҳя қолди. У секин сўради:

— Кимдан эшитдингиз?

— Гапнинг тагини титиб нима қиласан? — деди Ойимхон хола яна Маҳбубахоннинг ўрнига жавоб қайтариб, — бирор рангинг ўчгур бечора қизни адаштирган экан-да!

— Нега адаштиради? — Дарвишалининг ақли ҳеч нимага етмас, бувисининг шаъмасига тушунмасди. — Қайси бечора қизни айтяпсиз?

— Бунчалар гўл эмасдинг-ку, ўғлим? — деди Ойимхон хола Дарвишалига таажжуб билан қараб. — Аҳматиллонинг Зиёхондан ичи чиқмабди. У Абдушукур махдумга «Мен кеч қолибман, қизингизнинг тўрт тарафи қибла» дебди-да, Зиёхоннинг жавобини бериб, тўнини елкасига ташлаб чиқиб кела берибди. Яна тушунмадингми?

— У қизни бундай деманглар, бу ёлғон гап-ку, ахир уни ўзларинг биласизлар-ку? — Дарвишали титраб кетди. У қалтираб-қалтираб гапирарди. — Бундай бўлиши мумкин эмас, бу туҳмат гап-ку?!

— Биз-ку гапиришни истамаймиз, — деди Ойимхон хола куйиниб, — ҳозир кўчада ҳам, ҳамма уйларда ҳам шу гап!

— Ким ёйди?

— Аҳматиллонинг ўзи! — деди Ойимхон хола. — У кўринганга «шаҳарлик олифта қишлоқини алдаб, юзимни очиб оламан» деб ўйлаган экан. Никоҳ кўрпасининг тепасидаёқ жавобини бердим. Оёғимга йиқилиб, ялинганича, кўз ёши қилганича қолди» деб чошгоҳдан буён гап сотиб юрганмиш-ку!

— Сиз нима дейсиз? — Дарвишали яна Маҳбубахонга юзланди.

**(Давоми бор).**

*Суратли ахборот*

# ЯНГИ ТЕННИС КОРТИ





Пойтахтимиз кундан-кунга гўзаллашиб, қурилаётган ҳар бир бино унинг чиройига чирой қўшмоқда. Куни кеча ана шундай иншоотлардан яна биттаси ишга тушди. Бу «Тошқишлоқмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг теннис кортидир.

Маълумки, республикамизда спортнинг бу тури жуда оммавийлашиб кетди. Мамлакатимизда ўтказилаётган йирик-йирик халқаро турнирлар бунинг яққол исботидир. Келажакда ана шундай турнирларда ғолиб чиқа оладиган ўзбек ўғлонларини тарбиялаш ва улар орқали юртимиз байроғини баланд кўтариш учун жойларда теннисниңг «пойдевори» ни мустаҳкамлаш зарур. «Тошқишлоқмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг теннис корти ҳам бу борада қилинаётган ишларнинг амалий натижасидир.

Теннис кортининг тантанали очилиш маросимида Ҳамза тумани ҳокимлиги раҳбарлари, «Ўзқишлоқмашхолдинг» компанияси вакиллари, корхона раҳбарлари ва ишчи-хизматчилари иштирок этдилар. Туман ҳокими Раҳматулла Муҳаммадхўжаев бу спорт иншоотининг қурилиши туман ёшларини соғлом руҳда тарбиялаш борасида шубҳасиз катта хизмат қилажагини айтди ва корхонанинг шу савобли ишини юксак баҳолади. «Тошқишлоқмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори Владимир Карлов эса теннис кортининг биринчи навбати жуда қисқа муддат ичида қурилиб, ишга туширилганлигини таъкидлаб ўтди. Шу билан бирга қурилиш давом этаётганлиги ва келгуси йилда корхонанинг нишонланадиган 70 йиллик юбилейига қадар устки қисми ёпилиб, ёпиқ теннис кортига айланажагини айтди. Тантана иштирокчилари бўлажак ёпиқ теннис кортининг пойдеворига биринчи ғиштни қўйиб, келажак авлод учун ёдномa қолдирдилар. Унда қуйидаги сўзлар битилган: «Биз — корхона меҳнаткашлари шунга умид қиламиз ва ишонамизки, жаҳон халқлари ўртасида тинчлик ва хотиржамлик ҳукм суради. «Тошқишлоқмаш» теннис кортида эса спортчилар фақат энг зўр ўйинчини аниқлаш учун кураш олиб борадилар». Унга туман ҳокими ва корхона раҳбарияти томонидан имзо чекилди.

Ушбу тантаналардан сўнг спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари бўлди. Дастлаб каратэ усталари ҳамда велосипед пойгачилари ўз маҳоратларини намойиш этишди. Сўнгра мазкур тантаналарнинг асосий мусобақаси ҳисобланган теннис бўйича блиц-турнир бошланди. Унда иштирокчилар жуфтликда куч синашишди. Ғолиблар орасида корхона раҳбари Владимир Карловнинг ҳам борлиги сўз ва амалий иш бирлигига намуна бўлди. Уларга корхона касаба уюшмаси ташкилоти махсус қимматбаҳо эсдалик совғалари топширди.

*Нарзулла ҲАМРОЕВ.*

*СУРАТЛАРДА: теннис корти очилиши маросимидан лавҳалар.*

*Муаллиф олган суратлар.*

*Фидойиларимиз*

# «ПАХТАКОР» САРДОРИ ҲАМОН САФДА

Ўзбек футболининг кекса бўғинига мансуб ишқибозлар собиқ пахтакорчи, спорт устаси Акмал Азизхўжаевнинг номини фахр билан эсга олишади. 1956 йил — «Пахтакор» илк ташкил этилган пайтдан бошлаб 10 йил давомида «Пахтакор» шарафини муносиб ҳимоя қилган, олий лиганинг жуда кўп ўйинларида жамоа сардори сифатида командани майдонга бошлаган ушбу чарм тўп устаси ўзининг юқори техникага асосланган ўйини, айниқса ҳимоячи бўлса-да ҳужум чизиғида шиддатли ёриб ўтишлари билан ишқибозларнинг беҳад ҳурматига сазовор бўлган эди. Вақтнинг ўтишини қарангки бутун умрини футболга бахшида қилган, фидойи ўйинчи ва моҳир устоз Акмал Азизхўжаев 60 ёшга тўлган бўлса-да, ҳозир ҳам «Чиғатой» олимпия ўринбосарларини тайёрлаш футбол мактабида унумли фаолият кўрсатиб келмоқда.

Куни кеча республика жисмоний тарбия институтининг мажлислар залига спортимиз жонкуяри А. Азизхўжаевни қутлуғ ёши билан муборак этиш мақсадида спортимиз ва футболимиз мутасаддилари, фахрийлари, мураббийлар, Акмал аканинг ёру дўстлари, маҳалладошлари тўпланишди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг раиси Б. Маҳситов, республика футбол федерациясининг бош котиби З. Қурбонов, А. Азизхўжаевнинг собиқ командадоши С. Стадник, таниқли санъаткор Ф. Аҳмедов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ё. Саъдиев, «Пахтакор», «Машъал», «Сўғдиёна», «Трактор» жамоаларининг устозлари ва бошқалар ўзбек футболи довруғини оламга ёйган истеъдодли чарм тўп устаси Акмал Азизхўжаевни чин кўнгилдан муборакбод этиб, унга оилавий бахт, сиҳат-саломатлик тилашди, унинг фаолияти билан боғлиқ кўпгина қизиқарли воқеалар тилга олинди.

Акмал ака Азизхўжаев ажойиб анъаналарга эга «Чиғатой» футбол мактабида ўзининг бой тажрибаси билан ҳали кўплаб ёш, иқтидорли чарм тўп усталарини етиштириб юртимиз футболи ривожига муносиб ҳиссасини қўшишига бизнинг ишончимиз комил.

*Дилмурод ИСМОИЛОВ.*

*Спартакиададан кейинги ўйлар*

# ТАҲЛИЛЛАР НИМАНИ КЎРСАТАДИ?

Спортни ривожлантириш ишини қуйидан юқорига қараб, ҳаваскорлар жамоасидан профессионаллар сари йўналишда амалга ошириш муваффақиятлар сари етаклаши сир эмас. Жойларда спортни ривожлантириш, ёш иқтидорларни етиштириш мақсадида ҳар 2 йилда бир марта туманлар терма жамоалари ўртасида Тошкент шаҳар спартакиадасининг ўтказилиши ҳам бу борада ижобий натижалар бермоқда.

Яқинда шу йилнинг март-ноябрь ойлари давомида ўтказилган навбатдаги туман терма жамоалари ўртасидаги пойтахт спартакиадаси ниҳоясига етди. Унда ҳаваскор спортчилар спортнинг армрестлинг, бадминтон, баскетбол (аёллар, эркаклар), кураш, волейбол (аёллар, эркаклар), енгил атлетика, теннис, стол тенниси, шашка, шахмат, футбол каби 11 тури бўйича ўзаро беллашиб, ғолиб жамоаларни аниқладилар. Мусобақалар «Саломатлик» спорт клуби, жисмоний тарбия институти, «Динамо» ўйингоҳи, кўзи ожизлар маданият саройи ҳамда намунали базавий мактаблар спорт майдончаларида ўтказилди. Спартакиада беллашувларида 1,5 мингдан ортиқ спортчиларнинг иштирок этганлиги ҳам мусобақаларнинг нақадар кенг кўламли эканлиги, қизиқарли кечганлигидан далолат бериб турибди.

Туман жамоалари эса асосан ёши 18 дан юқори, шу туманда фаолият кўрсатаётган ёки олий ўқув юртларида таҳсил олаётган спортчилардан ташкил топди.

Шунингдек, айрим спорт турлари бўйича баҳсларда олий ўқув юртларининг ўз жамоалари иштирок этишди.

Ва ниҳоят ҳал қилувчи палла етиб келиб, жамоаларнинг жамғарган очколари ҳисоб-китоб қилиниб энг кучли командалар аниқланди. Унда ҳар бир туманнинг спорт ҳаёти бамисли ойнада акс этгандек очиқ-ойдин кўриниб турарди. Бу гал Чилонзор тумани ҳаваскор спортчиларига ҳақли равишда омад кулиб боқди. Армрестлинг, енгил атлетика, шашка бўйича ғалаба қозонган чилонзорликлар 150 очко жамғариб умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгалладилар. Волейбол (эркаклар) ҳамда теннис бўйича юнусободликларга тенг келадиганлар топилмади. Улар 128 очкони қўлга киритиб иккинчи натижани кўрсатдилар. Бунда юқоридаги иккала туманнинг барча мусобақаларда тўла таркибда иштирок этганликлари ҳам муҳим роль ўйнаганлиги сир эмас.

Мирзо Улуғбек тумани эса анъанавий равишда ишларимизнинг спорт кенг ривожланган энг кучли ҳудудларидан бири ҳисобланади. Бу гал ҳам мирзо улуғбекликлар баскетбол (аёллар); волейбол (аёллар), футбол бўйича энг юқори ўринларни эгаллаган бўлишса-да тўртта тур бўйича мусобақаларда туман жамоаси бўлмаганлиги уларга панд бериб, 122 очко жамғарган ҳолда учинчи ўрин билан кифояланишларига тўғри келди.

Худди шундай фикрларни Ҳамза тумани жамоаси тўғрисида ҳам айтишимиз мумкин. Спорт базалари, клублар, спорт комплекслари, ўйингоҳларнинг сони, сифати бўйича Ҳамза тумани шаҳримизда энг етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Афсуски, бу гал ҳамзаликлар ўзларининг ажойиб имкониятларидан ўринли фойдалана олишмади. Улар кўпгина спорт турлари бўйича қатнашмасдан 11 та туман ўртасида атиги 8-ўринни банд эта олишди, холос.

Спорт турларини шаҳримизда янада оммавийлаштириш мақсадида ўтказилган спартакиада ғолиб жамоаси фахрий ёрлиқ ҳамда шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг кўчма соврини билан тақдирланади. Шунингдек бошқа ғолибларга аталган совринлар ҳам яқин кунларда ўз эгаларига топширилади. Мусобақанинг барча турларида иштирок этган жамоалар эса «Оммавийлик учун» соврини соҳиби бўлишади. Бироқ, муҳими бунда эмас. Спартакиада шаҳримизнинг қайси туманларида спортнинг аҳволи қониқарли даражада, қаерда жонкуярлик билан фаолият юритилмоқда, қайси туманларда эса бепарволик ҳукм сурмоқда — барча-барчасини очиқ-ойдин кўрсатиб берди. Ўйлаймизки, туман ҳокимликлари, спорт қўмиталари ушбу сабоқдан тегишли хулоса чиқариб келгусида ўз фаолиятларини яхшилаш сари ҳаракат қиладилар.

*Дилшод ИСМОИЛ.*

*Қуйи жисмоний тарбия ташкилотларида*

# АНЪАНАВИЙ БЕЛЛАШУВЛАР

***Тошкент Давлат техника университетида спортнинг мини футбол, волейбол, баскетбол, енгил атлетика, стол тенниси турлари бўйича биринчи курс талабаларининг факультетлараро анъанавий мусобақаси бўлиб ўтди.***

Электроника, автоматика ва ҳисоблаш техникаси факультетининг талабалари умумий очколар бўйича биринчи ўринни, кончилик-геология факультети иккинчи, нефть ва газ факультети илм толиблари учинчи ўринни олганлиги ҳақидаги хабар бутун университет бўйлаб яшин тезлигида тарқалди. Кончилик геология факультетига кирганимизда эса стол тенниси бўйича факультет командасининг университет биринчи курс талабалари орасида биринчи ўринни олганлигидан хабар берувчи «Чақмоқ» газетасига кўзимиз тушди. Талабалар бу жамоага кимлар аъзо бўлганлигини фахрланиб, эҳтирос билан айтиб беришди. Шу команданинг энг кўп очко олган спортчиси Михас Василиканинг муваффақияти эса тасодифий эмас эди. У университетга киргунга қадар ҳам катта теннис билан шуғулланиб биринчи разряд талабларини бажарган экан.

Шуни айтиш кераккй, факультетлараро мусобақаларда қатнашиш ҳуқуқини олишга сазовор бўлган команда аъзолари барча факультетларда бир-бир ярим ой давомида мусобақалар, ҳар хил шакл ва усуллардан ташкил топган махсус танлов тизими асосида сараланган, шаклланган эди. Бу вақт жисмоний тарбия ўқитувчилари ва гуруҳ мураббийлари учун ҳам педагогик маҳоратни татбиқ эта билиш даври бўлди.

— Спортнинг турли соҳалари шахмат, шашка, стол тенниси, мини футбол, енгил атлетика ва шу каби спортнинг 8 тури бўйича ҳамма факультетлараро ва курсларни ўз ичига олган университет миқёсида бўладиган спартакиадага тайёргарлик ва унда қатнашиш учун кураш ҳаракати ҳам бошланиб кетди. Факультетлар талабалари ҳамма имкониятларини ишга солади деган умиддамиз, — дейди университет жисмоний тарбия ва спорт кафедраси, спорт клуби мудири спорт устаси Валерий Николаевич Сидоров.

Ҳозирги вақтда университетда спортнинг 18 тури бўйича шўъбаларда ҳаммаси бўлиб 224 та талаба шуғулланмоқда. Бу тадбирларнинг ҳаммаси жисмоний тарбия муаллимининг ўқув жараёнидаги ва секция машғулотларидаги фаолиятдир. Университетда спортнинг турли соҳалари бўйича 18 та спорт устаси ва спорт усталигига номзодлар, тажрибали педагоглар ёшларнинг спортдаги тайёргарлигига бош-қошдирлар.

Университет талабаларининг спортдаги юксак кўрсаткичлар сари интилишлари, бу борадаги меҳнатлари Республикамиз миқёсида ҳам кўзга ташланмоқда. Масалан, 1995 йилда бўлиб ўтган Ўзбекистон халқларининг биринчи спартакиадасида ҳам Тошкент Давлат техника университети волейболчилари негизида ташкил топган жамоа мамлакатимиз бўйича иккинчи ўринни эгаллаган эди.

*Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.*

*Самбо*

# ПОЛВОНЛАРИМИЗ — УЧИНЧИ ЎРИНДА

Токиода самбо кураши бўйича ўтказилган 20-жаҳон чемпионати ниҳоясига етди. Қизғин беллашувларда 30 га яқин давлатларнинг полвонлари иштирок этишди. Республикамиз самбочилари ушбу нуфузли турнирда муваффақиятли қатнашиб, Россия ва Украинадан сўнг умумжамоа ҳисобида фахрли 3-ўринни эгалладилар. Полвонларимиздан Шуҳрат Хўжаев (91 килограмм), Муҳаммаддўст Тошев (100 килограммдан ортиқ) ва Ботир Хўжаевлар (110 килограмм) ўз вазн тоифаларида мос равишда биринчи, иккинчи, учинчи ўринларни эгалладилар. Полвонларимиз яна бир бор нималарга қодир эканликларини бутун жаҳонга намойиш этишди.

— Жаҳон чемпионатида энг камида учинчи ўринни эгаллашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эдик, — дейди республика терма жамоасининг бош мураббийси Бобомурод Файзиев. — Биз бунга эришдик. Бу мусобақа жамоамиз учун муҳим сабоқ ҳам бўлди. Чунки полвонларимиз баъзи бир жузъий хатоларга йўл қўймаганларида бундан ҳам юқори ўринларга кўтарилишимиз мумкин эди.

*Беҳзод ЭГАМОВ.*

**Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ**



*Табиатда хилма-хил жонзотлар борки улар бевосита ёки билвосита инсон учун хизмат қилади. Гўзал лайлаклар киши кўзини қувнатиб ҳар лаҳзада покизаликка мисол бўлиб, кўлларда юради. Юрагимизда жониворларга нисбатан меҳр-муҳаббат қанчалар барқ урса табиат шунчалар тўкис бўлиб бораверади.*

*Миртоҳир Қодиров олган сурат.*


ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ**

***Тошкенбой Эгамбердиев номидаги Тошкент давлат циркида 1996 йил 21 декабрдан 1997 йил 12 январгача Болалар, сизлар учун!***
мактаб ўқувчиларининг қишки таътил кунларида Циркда арча!
*«Эртакда эртак»*
Қатнашадилар: Қорбобо, Қорқиз, Эртак қаҳрамонлари
Цирк санъатининг барча жанрлари ва ўргатилган ҳайвонлар иштирокида дастур
Томошалар 21 декабрдан 27 декабргача — соат 12.00, 14.00да
28, 29 декабрда — соат 10.00, 12.00, 14.00, 16.00да.
31 декабрда — соат 16.00да
1 январда — соат 10.00 да
9 январдан 12 январгача — соат 10.00, 12.00 14.00, 16.00да.
**Чипталарни олдиндан сотадиган касса очилган.**
**Чипталарни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан олиш мумкин.**
*Касса соат 10дан 18гача ишлайди.*

**ЎЗБЕКИСТОН БУХГАЛТЕРЛАР ВА АУДИТОРЛАР АССОЦИАЦИЯСИ**
лицензиялик аудиторларни ўқитиш ва тайёрлашни давом эттиради.
Янги гуруҳ ўқиши 1996 йил 3 декабрда бошланади. Манзил: Тошкент шаҳар, Ниёзбек йўли кўчаси, 6
**Тел: 34-01-87, 35-72-51.**

ТошДУ томонидан 1996 йилда Н. Бобоёрова номига берилган № 130604 диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
TOSHKENT OQSHOMI

*Муассис:* ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар — 33-29-70; эълонлар: 33-28-95, 33-08-74, 36-57-65. факс: (3712) 33-29-09.

*Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 64690*

*Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 33-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ❖ Буюртма Г-0632. ❖ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ❖ Қоғоз бичими А-2 «Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. ❖ Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. ❖ Босмага топшириш вақти 11.30. ❖ Босишга топширилди: 11.30. 5.443 нусхада босилди. 1 2 3 4 5 6.